

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Х У К М

2025 йил ноябрь ойининг 10 куни, Жиноят ишлари бўйича Нишон туман суди, суд биносида, очик суд мажлисида, шу суднинг раиси А.Қаҳҳаровнинг раислигида, халқ маслаҳатчилари И.Тошев ва Э.Узоқовлардан иборат таркибда, Т.Амировнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси Нишон тумани прокурорининг катта ёрдамчиси А.Чуллиев, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Мардоновнинг иштирокида, ХХХга нисбатан 1-1813-2501/114-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 25,273-моддаси 5-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ХХХ 2025 йилнинг март ойларида ўзининг яшаш уйи, яъни Қарши тумани, “Боғобод” маҳалласи, Ферон қишлоғи, Табаррук замин кўчаси, 30-уйининг ҳовлисидаги ер майдонининг 5,50x2,50 метр ўлчамли қисмига таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган жами 52 туп каннабис ўсимлиги уруғларини қонунга хилоф равишда экиб, тагига ишлов бериб, сув қуйиб, парваришлаб, нам ҳолатдаги вазни 909,7 грамм бўлгунга қадар парваришлаб, етиштириб келган.

Бундан ташқари, ХХХ жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2025 йилнинг март ойида ўзининг яшаш уйи, яъни Қарши тумани, “Боғобод” маҳалласи, Ферон қишлоғи, Табаррук замин кўчаси, 30-уйининг ҳовлисидаги ер майдонининг 5,50x2,50 метр ўлчамли қисмига экиб етиштирган курук ҳолдаги жами 200 грамм гиёҳвандлик воситасини келгусида сотиб ўтказиш мақсадида сақлаб келаётганлиги 2025 йил 22 май куни ўтказилган тезкор тадбирда аниқланиб, гиёҳвандлик воситаларини сотиб ўтказишга суиқасд қилган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 23 майдаги 433-сонли хулосасида, ХХХнинг яшаш уйи томорқасидан ҳужжатлаштириб олинган яшил



рангли ўткир ҳидли нинабаргли 52 туп ўсимликлар таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддалари бор бўлган каннабис ўсимликлари дейилиши, 52 туп каннабис ўсимликларининг нам ҳолатдаги вазни 909,7 граммга тенглиги, ўсимликларнинг узунлиги 20 см.дан 87 см.гачани ташкил қилиши кўрсатилган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 17 октябрдаги 866-сонли хулосасида, ХХХнинг яшаш уйи томорқасидан ҳужжатлаштириб олинган 52 туп каннабис ўсимликларидан ажратиб олинган истеъмол учун яроқли бўлган қисмлари марихуана дейилиши ва марихуананинг соф оғирлиги 200 граммга тенглиги кўрсатилган.

Судланувчи ХХХ судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, марҳум бобосидан гиёҳвандлик воситасининг уруғларини олгани, 2025 йилнинг март ойида гиёҳвандлик воситаси уруғларини яшаш хонадонини ҳовлисининг бир бурчагидаги иссиқхонанинг ўрнига экиб парваришлагани, уруғларга ҳафтада бир маротаба сув қуйиб парваришлагани, гиёҳвандлик воситаси уруғларини эккан жой эски иссиқхонанинг ўрни бўлгани сабабли нурилари бор бўлгани, 2025 йил 22 май куни ИИБ ходимлари келишиб, яшаш уйини кўздан кечиришиб, яшаш уйининг ҳовлисида иссиқхона ўрнига экиб парваришлаб келаётган 52 туп гиёҳвандлик ўсимликларини аниқлашиб, расмийлаштириб олишгани, гиёҳвандлик воситасини сотиш билан шуғулланмагани, ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан қўйилган айбловни инкор қилиши ҳақида баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ ХХХ судда, судланувчи ХХХ ўғли бўлиши, ўғли ХХХ автомобилларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланиши, 2025 йил 22 май куни уйига ИИБ ходимлари келишиб, яшаш уйини кўздан кечиришиб, яшаш уйи ҳовлисида гиёҳвандлик ўсимликлари борлигини аниқлашиб, ҳужжатлаштириб олишгани, шунда ўғли ХХХ яшаш хонадонини ҳовлисида гиёҳвандлик воситасини экканлигини билгани, ўзини ушбу ҳолатдан хабари бўлмагани, ўғли ХХХни гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилганини билмагани ҳақида баён қилди.

Гувоҳ ХХХ судда, гувоҳ ХХХнинг суддаги кўрсатувиға ўхшаш кўрсатув берди.

Гувоҳ ХХХ судда, Қарши тумани ИИБ ТҚХ ЖҚБ тезкор вакили вазифасида ишлаши, 2025 йил 22 май куни олинган тезкор маълумотга асосан Қарши тумани, “Боғобод” маҳалласи, Ферон қишлоғи, Табаррук замин кўчаси, 30-уйда яшовчи ХХХни яшаш хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилгани, ХХХ яшаш хонадони томорқасида хожатхонанинг ёнида 52 туп яшил рангли ўткир ҳидли гиёҳвандлик воситасига ўхшаш ўсимлик экиб, парваришлаб келаётганлиги аниқланганлиги ҳамда 52 туп яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликлар тегишли тартибда расмийлаштириб олингани, ХХХ гиёҳвандлик воситасини экиб сотиш билан шуғулланаётганлиги бўйича тезкор маълумотга асосан уни уйи кўздан кечирилгани ҳақида баён қилди.

Суд ҳайъати, давлат айбловчисининг хулосасини ва ҳимоячининг фикрини эшитиб, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи ХХХнинг содир қилган жинояти, юқорида келтирилган далиллардан ташқари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённома, чизма ва фотосуратлар,



гиёҳвандлик воситаларини ҳужжатлаштириб олиш ҳақидаги баённома, ашёвий далилларни ўлчаш ҳақидаги далолатнома, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги баённома ва фотосуратлар, экспертиза хулосалари, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, сўроқ баённомалари, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 19-бандида, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни қонунга хилоф равишда етиштириш учун ЖКнинг 270-моддаси билан жиноий жавобгарлик келиб чиқади. Етиштирилиши тақиқланган экин экиш деганда, бундай экинлар уруғини тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонига, шу жумладан, бўш ётган ерларга ёки мослаштирилган идишларга уруғини сепиш ёки кўчатини ўтказиш тушунилиши лозим. Ушбу жиноят ўсимлик униб чиққан-чиқмаганлиги ёки ўсган-ўсмаганлигидан қатъий назар, экин экилган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Юқорида қайд қилинган Пленум Қарори талабидан келиб чиққан ҳолда, суд ҳайъати, судланувчи ХХХнинг тақиқланган экин ҳисобланган каннабис ўсимлигини қонунга хилоф равишда экиб, етиштирганликдаги жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарорининг 25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киради. Иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, Пленум Қарорининг ушбу тушунтиришларидан келиб чиққан ҳолда, судланувчи ХХХнинг яшаш уйини ҳовлисидан ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган гиёҳвандлик воситаларининг миқдори 200 граммни ташкил қилишини, 200 грамм истеъмол қилинишини истисно қилувчи миқдор ҳисобланишини, наркология экспертизасининг 2025 йил 5 июндаги



201-сонли хулосасида, ХХХ наркология диспансерида “Д” ҳисобда турмаслиги, наркотик моддаларни истеъмол қилмаслиги, гиёҳвандлик хасталигига чалинмаганлиги ва мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилганлигини инobatга олиб, олинган ашёвий далилларнинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда, судланувчи ХХХ томонидан кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини келгусида сотиб ўтказиш мақсадида сақлаб келган деган хулосага келишни лозим топиб, тергов органи томонидан судланувчи ХХХнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, ҳимоячи-адвокат М.Мардоновнинг музокарасидаги “судланувчи ХХХни ҳаракатида ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги сабабли ушбу модда билан ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан оқлаш ҳақида”ги ҳамда бошқа важларини, шунингдек, судланувчи ХХХнинг суддаги гиёҳвандлик воситасини сотиш ва ўтказиш мақсади бўлмаганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, судланувчи ХХХ келгусида сотиб ўтказиш мақсадида кўп миқдордаги жами 200 туп каннабис гиёҳвандлик ўсимликларини экиб етиштириб келганлигини, ХХХ гиёҳвандлик воситалари билан муомала қилиш учун жазо муқаррарлигини билгани ҳолда сотиб даромад қилиш мақсадида каннабис ўсимликларини экиб етиштириб келганлигини, экиб етиштирилган гиёҳвандлик воситасининг миқдори истеъмол қилишни истисно этувчи миқдор ҳисобланишини, ХХХ наркотик моддаларни истеъмол қилмаслиги ҳақида экспертиза хулосаси мавжудлигини инobatга олиб, судланувчи ХХХни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганлиги тўлиқ тасдикланиши сабабли, ҳимоячи-адвокат М.Мардонов ва судланувчи ХХХ томонидан келтирилган важларни танқидий баҳолаб, асосиз важлар сифатида рад қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси талабига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак. Жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги;

ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига,



айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этил ишига туртки берган ҳуқуққа хилоф ҳуқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи ХХХга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55 ва 56-моддалари талабларига риоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, оилада ягона боқувчи бўлиб, қарамоғида бир нафар фарзандлари борлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлари, шу билан биргаликда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланаётган жазоларни бир-бирига қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи тариқасида узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни, унга қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни;

Наркология экспертизасининг 2025 йил 5 июндаги 201-сонли хулосасида, ХХХ наркология диспансерида “Д” ҳисобда турмаслиги, гиёҳвандлик хасталигига чалинмаганлиги ва мажбурий тиббий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилганлиги сабабли, судланувчи ХХХга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўлламасликни;

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Қашқадарё вилояти бошқармасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 52 туп каннабис ўсимликлари (200 грамм марихуана ва 60,2 грамм истеъмол учун яроқсиз бўлган қисмлари)нинг экспертиза тадқиқотларидан қолган қисмини ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилишни;



Ашёвий далил деб эътироф этилган икки дона дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

XXX ( ██████████ ) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 25,273-моддаси 5-қисми билан айбли деб топилсин.

XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил 11 (ўн бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

XXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни бир-бирига қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи тариқасида узил-кесил 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 24 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

XXXга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Қашқадарё вилояти бошқармасининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 52 туп каннабис ўсимликлари (200 грамм марихуана ва 60,2 грамм истеъмол учун яроқсиз бўлган қисмлари)нинг экспертиза тадқиқотларидан қолган қисми ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган икки дона диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

А.Қаҳҳаров

Халқ маслаҳатчилари:

И.Тошев

Э.Узоқов

